

ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИЛИШИ ШАРОИТИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ФАОЛИЯТНИ ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ҲОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Раҳимов Сарварбек Абдумуталлибжонович

Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти “Божхона иши” факультети
бошлиғи ўринбосари

sarvarbekabdumutallibjonovich@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада рақамлаштириш жараёнларида коррупциянинг юзага келиши, унга қарши курашишнинг аҳамияти, қарши курашиш жараёнларида ахборот-таҳлилий фаолиятнинг ўрни, бу бўйича халқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлар тажрибалари, улар томонидан жорий этилган механизмлар ёритилган.

Калит сўзлар: Бирлашган миллатлар ташкилоти, конвенция, Covid-19, рақамлаштириш, ахборот-таҳлил, дастурий таъминот, G20.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНФОРМАЦИОННО-АНАЛИТИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В БОРЬБЕ С КОРРУПЦИЕЙ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается возникновение коррупции в процессах цифровизации, важность борьбы с ней, роль информационно-аналитической деятельности в процессах противодействия, опыт международных организаций и развитых стран в этом отношении, последствия которого были представлены

Ключевые слова: Организация Объединенных Наций, Конвенция, Covid-19, цифровизация, анализ информации, программное обеспечение, G20.

FOREIGN EXPERIENCE IN THE USE OF INFORMATION AND ANALYTICAL ACTIVITIES IN THE FIGHT AGAINST CORRUPTION IN THE CONTEXT OF DIGITALIZATION OF THE ECONOMY

ABSTRACT

The article covers the occurrence of corruption in the processes of digitization, the importance of combating it, the role of information and analytical activities in the

processes of counteraction, the experience of international organizations and developed countries in this regard, the implications of which were introduced

Key words: United Nations, Convention, Covid-19, Digitalization, information analysis, software, G20

КИРИШ

Жахоннинг ривожланиш тенденциялари ва пандемия шароитида жадаллашган рақамлаштириш даражасининг ортиши ижтимоий жараёнлардаги муносабатларнинг ахборот маконига кўчишига олиб келди. Натижада, жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг ажралмас қисми бўлган жинойатчиликнинг кибер майдондаги янги шакллари пайдо бўлди. Масалан, барча давлатларда Covid-19 пандемияси даврида юзага келган инқироз даврида бюджетдан харажатлар кескин ошди, шунингдек, ўзаро алоқалардаги чекловларнинг мавжудлиги натижасида савдо муносабатлари соддалашганлиги ва текширувларнинг етарли даражада эмаслиги коррупция ҳамда фирибгарликнинг ортиб кетишига ҳамда янги таҳдидларни ортиб кетишига олиб келди.

Коррупция натижасида юзага келаётган янги таҳдидлар унга қарши курашишда янги усуллардан фойдаланишни талаб этмоқда.

Жахон ҳамжамиятининг тенглар ичра тенг аъзоси бўлган Ўзбекистон Республикасига ушбу таҳдидлар бегона эмас. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2022 йил 25 январь куни Марказий Осиё ва Хитой давлат раҳбарларининг навбатдаги саммитидаги нутқида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида эътибор қаратиш лозим бўлган устувор йўналишлар қаторида учинчи устувор йўналиш сифатида **пандемиядан кейинги тикланиш ва тўртинчи саноат инқилобига жадал ўтиш шароитида рақамли технологияларни кенг қўллашни таклиф қилган**[1].

Шунингдек, 2021 йил 06 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев лавозимга киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида **“айни вақтда одил судлов тизимининг чинакам мустақиллиги ва очиқлигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини такомиллаштириш, адвокатура институтини кучайтириш, ушбу соҳалар фаолиятини рақамлаштириш бўйича олдимизда кўпгина вазифалар турибди”** деб таъкидлаганлар[2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон–2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармони билан мамлакатимизда иқтисодий ётти барча соҳаларида рақамлаштириш сиёсати жадал жорий этиб келинмоқда. Бу эса келгусида мамлакатимизда чексиз рақамли маълумотлар оламини пайдо бўлишига ва турли ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ахборот майдонига кўчишини юзага келтиради. Шундай экан, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишни ҳам янги босқичга, рақамли технологиялар орқали амалга оширишга эътибор қаратишни талаб этади.

ТАҲЛИЛЛАР ВА НАТИЖАЛАР

а) коррупцияга қарши курашишда ахборот-таҳлилий фаолиятни жорий этиш бўйича халқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлар тажрибаси

Коррупция барча давлатларда: бой ва қамбағал, шимолий ва жанубий, ривожланган ва ривожланаётган бўлишидан қатъий назар мавжуд[3]. БМТ маълумотларига кўра, ҳар йили 1 триллион АҚШ доллари миқдоридagi пул пора сифатида айланади, шунингдек, коррупция туфайли 2,6 триллион АҚШ доллари миқдоридagi пул ўғирланади[4].

2019 йилда Transparency International томонидан Ҳиндистонда 190 000 респондент ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, 51% иштирокчи сўнгги 12 ой давомида пора берганлигини маълум қилган. Ушбу давлат коррупцияни қабул қилиш индексида 180 давлат орасида 78-ўринни эгаллаб турибди. Ўзбекистон Республикасининг ушбу индексдаги ўрни 146-пағонада эканлиги муаммога қарши курашишнинг халқаро тажрибага асосланган янги замонавий усуллари жорий этиш лозимлигини билдиради.

1988 йилдаёқ америкалик иқтисодчи Роберт Клитгард ўзининг машҳур коррупция формуласида уни келтириб чиқарувчи омилларни содда тил билан ифодалаб берган. Яъни,

$$C = M + D - A$$

бу ерда, коррупция монополия (M) ва ҳаракатлар эркинлиги (D) йиғиндисидан ҳисобдорликнинг (A) айирмасига тенг.

Шу сабабли, барча давлатлар ўз коррупцияга қарши курашиш стратегияларида чексиз ваколатлар ва қарор қабул қилиш имкониятларининг айнан бир шахс, тузилма ваколати сифатида сақланиб қолинишига чек қўйиш ва барча маълумотларни шаффофлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни белгилашга ҳаракат қилишмоқда.

“Коррупция” ва “ахборот-таҳлил” тушунчалари ёнма-ён қўлланилишига ривожланган давлатлар етарлича мослашишган. Чунки, ушбу давлатларда

ахборот-таҳлилий фаолиятга бўлган талаб ва фойдаланиш даражаси бошқа давлатларникига нисбатан анча юқори.


Ҳозирги вақтда ривожланаётган давлатлар тергов жараёнларида ва шаффофликни таъминлашда маълумотларни таҳлил қилиш учун рақамли технологиялардан фойдаланиш кўрсаткичи юқори даражада эмас. Бунга сабаб, коррупцияга қарши курашиш билан шуғулланувчи тузилмаларда ахборот билан таъминланганлик ҳолатининг пастлиги билан боғлиқ муаммолар мавжуд.

Коррупция ва фирибгарлик хавфларини бошқариш самарадорлиги давлат органларининг маълумотларни таҳлил қила олиш қобилиятига боғлиқ. Бу йўналиш кўпроқ “ахборот-таҳлил” деб аталади ва ҳозирда хавфларни бошқаришдан кўра кўпроқ қўлланилмоқда. Ахборот-таҳлилий фаолиятнинг самарадорлиги бошқарув институтларининг, маълумотларни бошқаришнинг, маълумотларни тўлиқлигининг ва лойиҳаларни режалаштиришнинг самарадорлигига боғлиқ. Коррупция ва фирибгарлик бўйича хавфларни бошқаришда таҳлилий фаолиятнинг аҳамияти унинг стратегия ишлаб чиқиш, ресурсларни тақсимлаш ва назорат қилишдаги вазифаларни енгиллаштиришида юзага келади.

Хавфларни бошқаришда асосий мақсад – хавфларни тушуниш ва унга таъсир қилувчи омилларни аниқ белгилаб олиш орқали унга қарши курашиш чора-тадбирларини белгилаб олишдан иборат бўлиб, айнан шу жараён таҳлилий фаолиятни талаб этади. Мақсадга қараб ташкилотлар томонидан ахборот-таҳлилий фаолиятни йўлга қўйиш учун бир неча ёндашувларни ўзида мужассамлаштирган гибрид ёндашув қўлланилиши мумкин. Агар ёндашувлар тўғри танланса ахборот-таҳлилий фаолият хавфларни тўлиқ тушуниб етиш ва таъсирчан чоралар қўллашга имкон яратади. Бу ерда асосий масала маълумотдан фойдалана олиш қобилияти ҳисобланади (1-чизма).

1-чизма

Маълумот қиймати занжири



Рақамлаштиришнинг коррупцияга қарши курашишдаги биринчи устувор аҳамияти шундаки, иқтисодий маълумотлар шаффофлашиши улар билан боғлиқ коррупцияга чек қўйилишига олиб келади. Маълумотларга кўра, 2019 йилда Индонезияда аниқланган коррупцияга оид жиноятларнинг 80% қисми давлат харидлари билан боғлиқ бўлган ва натижада давлат бюджетига 4 млрд АҚШ доллари миқдорида зиён етказилган[5]. Шу сабабли, ривожланган давлатлар коррупцияга қарши курашишда рақамли технологиялардан фойдаланишни тавсия этиб келишмоқда.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, Австралияда ўтказилган тадқиқотлар натижасида 82% респондентлар коррупцияга қарши курашишда ташкилотлар томонидан маълумотлар таҳлилига асосланган ахборот-коммуникация технологиялардан кенг қўлланилаётганлиги таъкидланган[6].

Коррупцияга қарши курашишда инновация ва ахборот-технологиялардан фойдаланиш зарурлиги бўйича **бош ташаббускор Бирлашган миллатлар ташкилоти** ҳисобланади. БМТ Коррупцияга қарши конвенцияси доирасида ўтказиладиган конференцияларда аъзо давлатларга ахборот-таҳлилий фаолиятни аҳамияти бўйича доимий таъкидлаб келмоқда.

Хусусан, аъзо давлатларнинг 2015 йил 2-6 ноябрь кунлари Россия Федерациясининг Санкт-петербург шаҳрида ўтказилган конферецияси давомида **“БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясини амалга оширишда ахборот ва коммуникацион технологилардан фойдаланиш бўйича ҳамкорлик”** бўйича резолюция қабул қилинган.

Шунингдек, 2019 йил декабрь ойида бўлиб ўтган конференция давомида аъзо мамлакатларга манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва шаффофликни таъминлаш учун инновацион ва рақамли технология воситаларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар берилган.

Мазкур йўналишда юзага келаётган муаммоларни ҳал этишда кўмаклашиш мақсадида БМТнинг Гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси (UNODC) томонидан бир қатор чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Жанубий Шарқий Осиё давлатларининг коррупцияга қарши курашиш тузилмаларининг 260 дан ортиқ вакиллари иштирокида 2020 йил 25 ноябр куни **“Коррупцияга қарши рақамлаштириш”** деб номланган вебинар ташкиллаштирилган. Вебинарда аъзо давлат вакилларига тезкор қидирув тадбирлари ва шаффофликни таъминлашда, шунингдек, маълумотларни таҳлил қилишда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти бўйича тушунчалар берилган.

Шунингдек, 2021 йил 2 июнь куни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан давлатларга **порахўрлик, пул ювиш ва мансаб ваколатини суниестемол қилинишига қарши курашишга кўмаклашиш бўйича Сиёсий декларация** ва йўл харитаси қабул қилинган. Ушбу декларацияни имзолаш давомида Монако Ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазири томонидан давлатларга коррупцияга қарши курашишда сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш тавсия этилган[7].

Бу каби тадбирлар коррупцияга қарши курашишда барча халқларга кўмаклашиб келаётган бошқа халқаро ташкилотлар томонидан ҳам амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, Жахон банки томонидан 1990 йилдаёқ коррупция ривожланиш учун тўсиқ сифатида баҳоланиб, унга қарши фаол чора-тадбирлар қўлланила бошлаган. 2019 йилдан бошлаб Жахон банкида коррупция ва фирибгарликка қарши курашишда маълумотлар таҳлилидан фойдаланиш йўлга қўйилган. Хусусан, 2019 йилда Жахон банкига 2460 та ариза келиб тушган ва улардан 49 таси бўйича тўлиқ текширувлар ўтказилган. Шу сабабли, банк ўз фаолиятига хавф, харид, мурожаат ва текширувлар бўйича маълумотларни жамлаш, мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш ва прогнозлар ишлаб чиқиш имкониятини берувчи онлайн дастурни жорий этган.

Шунингдек, 2021 йил 25-28 октябрь кунлари Жахон банки томонидан **“Ахборот-таҳлил ва коррупцияга қарши курашиш”** мавзусида Симпозиум ташкиллаштирилган. Симпозиумда коррупцияни аниқлаш ва ўлчаш бўйича маълумотларга ёндашувнинг янги тенденциялари; коррупцияни аниқлаш бўйича янги маълумот манбалари ва усулларидан фойдаланиш; коррупцияга қарши курашиш воситалари, сиёсати ва тўсиқлар бўйича самарадорликни баҳолашда очиқ маълумотлардан фойдаланиш; янги маълумотлардан фойдаланиш учун уларга рухсатнинг мавжудлиги, сифати ва махфийликни таъминлаш бўйича маълумотларга асосланган.

Бундан ташқари, катта 20 талик давлатлари (G20) Коррупцияга кураш ишчи гуруҳи (ACWG) томонидан 2014 йилда шаффофликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашишда ахборот-таҳлилдан фойдаланиш бўйича халқаро стандартлар ва илғор тажрибалар асосида Қоидалар ишлаб чиқилган.

Ушбу Қоидалар қуйидагича:

1. Маълумотларнинг очиклиги;
2. Ўз вақтидалик ва умум қамровлилик;
3. Фойдалилик ва фойдаланишга рухсат берилганлик;
4. Таққосланадиган ва ўзаро фаолият юритадиган;
5. Ҳукумат ва фуқароларнинг ўзаро иштироки таъминланганлиги;

6. Инклюзив ривожланиш ва инновациялар учун.

Шунингдек, аҳамият қаратиш лозим бўлган бир жиҳат шундаки, давлатларнинг коррупцияга қарши курашиш усул ва воситалари бир-биридан ривожланганлик даражасига қараб фарқ қилади. Бунда, уларнинг халқаро майдондаги таъсир доирасини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Хусусан, АҚШ каби халқаро державалар коррупцияга қарши нафақат ўз фуқаролари орасида балки бошқа давлатларда ҳам курашиш билан бир қаторда, уларга нисбатан чекловларни жорий қилиб келмоқда. 1977 йилда Ҳорижда коррупцияга кураш тўғрисида Федерал қонун (FCPA) қабул қилинган. 2020 йилда Қўшма штатлар коррупцияга алоқадор деб топган 41 нафар ҳорижий давлатлар фуқаролари ва уларнинг яқин қариндошларига мамлакат ҳудудига киришга чеклов қўйган.

Шунингдек, қарши курашда ҳамкорликни таъминлаш мақсадида давлат котиби Энтони Дж.Блинкен томонидан Коррупцияга қарши курашишда чемпионлар халқаро номинациясини жорий этган. 2020 йилда ушбу номинация бўйича эълон қилинган 12 нафар ғолибларнинг аксарияти ўз давлатларида шаффофликни ва ахборот-технологияларни қўллаш орқали коррупцияга қарши курашишни йўлга қўйишганлиги учун тақдирланишган[8].

б) коррупцияга қарши курашишда қўлланилаётган илғор ахборот-таҳлилий дастурлар

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, ахборот-таҳлил асосида коррупцияга қарши курашиш қуйидагиларга имкон яратади:

- маълумотларни туркумлаштириш;
- коррупция хавфини юзага келтирувчи омилларни белгилаш;
- юқори хавф даражасига эга ҳолатлар бўйича огоҳлантириш бериш;
- коррупция ҳолатларини аниқлаш.

Ахборот-технологиялари асрида барча маълумотлар биланр ишлашни, яъни ахборот-таҳлилий фаолиятни дастурий таъминотларни жорий этиш орқали бошқариш мумкин. Бу каби дастурий таъминотлар ривожланган ва коррупцияга қарши курашишда юқори натижаларга эришаётган давлатлар томонидан аллақачон қўлланилиб келинмоқда.

Ривожланган давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан коррупцияга қарши курашишда янги самарадор усуллар яъни тобора ривожланиб бораётган ахборот-таҳлил технологиялари: FinTech, GovTech, CivicTech, Big Data Analytics, сунъий интеллектдан фойдаланиш тавсия этиб келинмоқда.

Шу ўринда, коррупцияга қарши курашишда ахборот-таҳлил фаолиятини олиб боровчи сунъий интеллектга асосланган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланаётган айрим давлатлар тажрибасига эътибор қаратсак:

- **ProZorro** (украинчадан таржима қилганда “шаффоф” дегани) – 2015 йилда амалиётга жорий қилинган тизим бўлиб, ушбу инновацион тизим давлат харидларида коррупцияга қарши курашишга мўлжалланган. Дастур имкониятларига кўра тендерлар давомида манфаатлар тўқнашуви ва коррупциянинг бошқа турлари содир этилган тақдирда коррупцияга қарши курашувчи тузилмаларга маълумот автоматик тарзда юборилади. Натижада, нафақат давлат харидлари тизимида манфаатлар тўқнашувини олди олинишига, балки бюрократияга қарши курашилади, рақобатбардошлик ва етказиб берувчилар ўртасида адолат ўрнатилишига эришилди;

- **Kalsada** дастури – Филиппинда йўл қурилиш соҳаси устидан назорат ўрнатилишига ёрдам берган;

- **Rosie** – Бразилияда қўлланилаётган тизим. Бразилия йилига коррупция натижасида кўрадиган зарар 38 млрд АҚШ доллари миқдорида баҳоланади. Шу сабабли, Irio Musskopf ва унинг тарафдорлари томонидан ҳукумат ҳаражатларини назорат қилиш алгоритми яратилган;

- **Aadhaar** - Ҳиндистоннинг ахборот-таҳлил ва сунъий интеллектга асосланган коррупцияга қарши курашувчи дастурлардан бири бўлиб, давлат хизматлари, субсидиялари ва даромадларини назорат қилиш тизими ҳисобланади[9].

Шунингдек, коррупцияга қарши курашишда ахборот-таҳлилдан фойдаланиш хусусий секторда ҳам ўз ўрнини топиб бормоқда. Хусусан, Microsoft компанияси ўз фаолиятида савдо муносабатларни тўғри бошқарилишини таъминлаш мақсадида АҚШнинг консалтинг ва аудит хизматларини кўрсатиш билан шуғулланувчи йирик компанияларидан PricewaterhouseCoopers билан сунъий интеллектга асосланган дастур яратиб берилиши учун шартнома имзолаган[10].

Мазкур ахборот-таҳлил дастурий таъминотларининг ишлаш тартиби қуйидагича:

1-босқич: дастурий таъминотнинг нима учун мўлжалланганлиги белгилаб олинади;

2-босқич: дастурий таъминотнинг ишлаши мезонлари белгилаб берилади;

3-босқич: дастурий таъминотни доимий ахборот билан таъминлаш манбааларига интеграция қилинади;

4-босқич: дастурий таъминот натижалари асосида қабул қилувчи тузилмаларга ахборот тайёрланади.

Дастурий таъминотнинг самарадорлиги ахборот билан таъминланганлик даражаси ва ушбу ахборотларни қайта ишлаш тизими – сунъий интеллектнинг қўлланилишига боғлиқ.

Шунингдек, бундай дастурий таъминотларни жорий этилиши ҳукумат даражасида амалга оширилса ва унинг натижаларидан ҳукумат қарорларини қабул қилинишида қўлланилиши мумкин бўлади.

Шу ўринда, коррупциянинг трансмиллий жиноят эканлиги инобатга олган ҳолда, унга қарши курашишда халқаро даражада ҳамкорликни таъминлаш учун таҳлилий маълумотларнинг ягона стандартларини белгилаб олиниши мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда, машҳур америкалик пост-модерн ёзувчи Уилям Гладдиснинг “**ҳукумат одамларни бузмайди, одамлар ҳукуматни бузади**” деган сўзлари ўз тасдиғини топмоқда. Яъни коррупцияга қарши курашишга давлатлар томонидан сарфланаётган ҳаражатларнинг юқориликка қарамай уни баргараф этишнинг имкони бўлмаётганини сабаби коррупциянинг аҳоли менталитетига сингиб кетганлигидир. Шу сабабли, коррупция даражасини пасайтиришда қуйи даражадан юқorigа қараб ва бир вақтнинг ўзида юқоридан пастга қараб иерархия тарзида ҳаракат қилиниши лозим бўлади.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашишда замонавий ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш йўлга қўйилгани билан улардан фойдаланиши лозим бўлган ходимларнинг савияси пастлиги кўзланган натижага олиб бормайди. Шу сабабли, муаммонинг ечими айнан шахсга бориб тақалаверади. Бу эса ўз ўрнида коррупцияга қарши курашишда ахборот технологияларидан фойдаланиш муҳим воситалардан бири сифатида қолаверишини билдиради.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Республикамизда иқтисодиётни рақамлаштириш жадал амалга оширилаётган бир вақтда ушбу рақамли маълумотларни таҳлил қилишга доира халқаро тажрибани қўллаш орқали юзага келиши эҳтимоли бўлган таҳдидларга қарши курашишга имкон яратилади. Иқтисодий соҳани издан чиқариши мумкин бўлган ички ва ташқи таҳдидларнинг марказида коррупция ётади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича йўлга қўйилаётган миллий тажриба илғор халқаро тажрибаларнинг ижобий ютуқларини ўзида мужассамлаштирган.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда коррупцияга қарши курашиш тизими ўзининг ҳуқуқий, ташкилий-амалий, институционал, моддий, сиёсий ва ижтимоий асосларини 2017-2021 йилларда мустаҳкамлаб олди. 2022 йилда коррупцияга қарши курашишнинг янгича тенденциялари юзага келиши кутилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ўзининг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий стратегияни қабул қилинишини бугунги кун талаби сифатида кўрсатиб ўтган.

Шунингдек, ушбу китобда: “Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш механизмларини янада такомиллаштириш, мажуд коррупция хавфи ва унга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш юзасидан шаклланган ижобий тажрибаларни кенг ёйиш алоҳида аҳамият касб этмоқда” деб эътироф этилган[11].

Замонавий дунёда коррупцияга қарши курашишнинг янги механизмлари ахборот-таҳлилий фаолиятни кучайтириш ва уни амалга оширишда ахборот технологияларидан фойдаланиш сифатида баҳоланаётганини ҳисобга олинса, Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш тузилмалари фаолиятига ушбу механизмларни жорий этиш лозимлиги юзага чиқади.

Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё ва Хитой давлат раҳбарлари саммитидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/4940>
2. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз// <https://president.uz/uz/lists/view/4743>
3. Pervasive corruption costs \$2.6 trillion; disproportionately affects ‘poor and vulnerable’ says UN chief // <https://news.un.org/en/story/2018/09/1018892>
4. The costs of corruption: values, economic development under assault, trillions lost, says Guterres // <https://news.un.org/en/story/2018/12/1027971>
5. Preventing Corruption Through Data Analytics in Southeast Asia // <https://www.unodc.org/southeastasiaandpacific/en/what-we-do/anti-corruption/topics/2020/preventing-corruption-data-analytics-southeast-asia.html>
6. Leveraging data analytics to prevent bribery and corruption // <https://www.consultancy.com.au/news/4163/leveraging-data-analytics-to-prevent-bribery-and-corruption>

7. Can Data and AI be Used as a Weapon to Fight Corruption? // <https://datapopalliance.org/lwl-28-data-and-anti-corruption/>
8. Honoring Anticorruption Champions // <https://www.state.gov/honoring-anticorruption-champions/>
9. How technology makes it possible to solve corruption // <https://economictimes.indiatimes.com/news/>
10. Prioritizing ethics and integrity: How Microsoft uses data analytics to fight corruption // <https://www.pwc.com/us/en/library/case-studies/ethics-and-integrity-as-the-priority-how-microsoft-uses-data-analytics-to-fight-corruption.html>
11. Ш.М.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O`zbekiston” нашриёти, 2021. 464 бет.